

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

10-сон
(822)
2018 йил
12 март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

175. «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ–5368-сон Фармони
176. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 19 июндаги ПФ–5087-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ–5242-сонли фармонлари)» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги ПФ–5371-сон Фармони

177. «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги ПҚ–3589-сон қарори

Учинчи бўлим

178. «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация хизматлари сифатини янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 мартдаги 185-сон қарори
179. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ–5242-сон Фармони, «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 19 июндаги ПҚ–3068-сон ва ««Хунарманд» уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ–3393-сон қарорлари)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 мартдаги 186-сон қарори

Бешинчи бўлим

180. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 36, 336-В-1, 2018-08-сон «Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2716-1*)
181. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 38, 2018-13-сон «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкасини қўллаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2759-1*)
182. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил

- 24 февралдаги 7/8-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1834-7*)
184. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 43, 2018-15-сон «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1909-4*)
185. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 42, 2018-14-сон «Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1908-5*)
187. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 01/10-10/16, 46-сон «Молларни пудрат шартномаси асосида оилаларга бериш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 455-1*)
188. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 41, 2018-11-сон «Солиқ маслаҳатчиси малага сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1750-3*)
189. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги 01-02/12-23-сон «Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2856-1*)
190. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги 01-02/12-24-сон «Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-4*)

192. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 9 мартдаги 136-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 3 мартдан 9 мартгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

175 Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спортни ташкил этишда қатор тизимли муаммолар ва камчиликларнинг мавжудлиги ушбу соҳада давлат сиёсатини самарали олиб боришга ва мамлакатнинг мавжуд спорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

биринчидан, айниқса, жойларда жисмоний тарбия ва спорт бошқарувининг самарали яхлит тизими мавжуд эмаслиги ушбу соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини лозим даражада мувофиқлаштиришни, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш ва тарғиб қилишни таъминламаяпти;

иккинчидан, мамлакатимизда ҳам оммавий спорт, ҳам олий спорт ютуқлари соҳасида аниқ вазифалар ва мақсадли кўрсаткичларни белгилаган ҳолда, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилмаган;

учинчидан, давлат-хусусий шериклик шартларида спортнинг замонавий моддий-техника базаси ва инфратузилмасини яратиш бўйича нодавлат сектор билан ўзаро муносабатларнинг паст даражада эканлиги ушбу соҳада мавжуд муаммоларни самарали ҳал этишга имкон бермаяпти;

тўртинчидан, жойларда ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция)нинг самарали ва шаффоф тизими мавжуд эмаслиги терма жамоалар таркибини сифатли тўлдириш учун спорт захирасини шакллантириш ва юқори малакали спортчиларни тайёрлашни таъминлашга тўсқинлик қилмоқда;

бешинчидан, спорт кадрларини, айниқса бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими жисмоний тарбия ва спорт бошқаруви соҳасида малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш имконини бермаяпти;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 мартда эълон қилинган.

олтинчидан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини қўллаб-қувватлашнинг фақат алоҳида спорт турларини ривожлантиришга йўналтирилган, нооқилона тизими бошқа оммавий олимпия спорт турларини, энг аввало, спорт ўйинлари ва қишки спорт турларини ривожлантиришга эътибор қаратилмаслигига олиб келган;

еттинчидан, спортчиларни тайёрлаш ва улар тиббий таъминотининг инновацион тадқиқотлари ва услубий ишланмалари, замонавий талабларга жавоб берадиган стандартларининг мавжуд эмаслиги сифатли ўқув-машқ жараёнининг йўлга қўйилишини таъминламаяпти;

саккизинчидан, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган молиявий маблағлар сарфланишининг асослиги ва ҳаққонийлиги устидан назоратнинг, энг аввало, ички назоратнинг молиявий маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган ва ушбу соҳада суиистеъмолчиликларни бартараф этишга қаратилган самарали механизми шакллантирилмаган;

тўққизинчидан, халқаро стандартларга жавоб берадиган сифатли маҳаллий спорт асбоб-ускуналари ва инвентарларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган, шунингдек, бундай ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан механизми назарда тутилмаган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, спорт федерациялари (ассоциациялари)нинг:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) ташкил этиш;

Вазирликнинг марказий аппарати тузилмасида спорт фаолиятини ташкил қилишда асослилик, объективлик ва шаффофликни таъминлашга, шу жумладан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ажратилган давлат молиявий маблағларидан оқилона фойдаланилишини таҳлил қилиш, аҳолининг спорт хизматларидан қониқиш даражаси ва спорт хизматларидан фойдалана олиш шарт-шароитларини баҳолаш, шунингдек, коррупция ва бошқа суиистеъмолчилик ҳолатларини аниқлаш учун масъул бўлган Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мониторинг бошқармасини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлин-

малари негизда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлимларини ташкил этиш;

бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларига бўйсинадиган ва Жамғарма ҳисобидан молиялаштириладиган туманлар (шаҳарлар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларини ташкил қилиш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти қошидаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини (кейинги ўринларда — Марказ) Вазирлик тасарруфига бериш, уни Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Кўкча Дарвоза кўчаси, 27-уй манзилда жойлаштириш, Нукус, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида унинг филиалларини ташкил қилиш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти негизда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетини (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш;

жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда спорт кийими, анжомлари ва жиҳозларини ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналар фаолиятини ташкил этиш учун пойтахт минтақасида «Спорт» эркин иқтисодий зонасини ташкил қилиш;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда оммалаштиришда, мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонидаги нуфузини оширишда алоҳида хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ходимлари ҳамда бошқа шахсларни тақдирлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳолининг кенг қатламларини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, олий спорт маҳорати соҳасида мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонида муносиб иштирокини таъминлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

вазирликлар ва идоралар жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳамда клубларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, республика мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари ва инструкторлари фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

махаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш борасида кенг кўламли ишларни ташкиллаштириш;

болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда болалар спорти объектлари тармоғини янада кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш;

Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирокни таъминлаш учун истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг, улар орасидан мамлакат терма жамоалари сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлик қилиш;

мамлакатимизда профессионал, оммавий спортни, шу жумладан спорт ўйинлари ва қишки спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом спорт рақобатига ва тақиқланган препаратлар ишлатилишига қарши тизимли чоралар кўришни рағбатлантириш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ташкилотлари, объектлари ва иншоотларининг оммавий спорт, болалар спорти ва профессионал спорт йўналишлари бўйича моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан максимал даражада ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт ташкилотларини, таълим ва спорт-таълим муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа спорт мутахассислари билан таъминлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро ва давлатлараро спорт алоқаларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, оммабоп спорт дастурларини ташкил этишга кўмаклашиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид оммавий адабиётлар чоп этиш, видео ва кино материаллар тайёрлаш.

3. Белгилансинки:

Университет жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шунингдек, соҳа мутахассисларини ўқитиш ҳамда тайёрлашнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича республиканинг базавий олий таълим, илмий-тадқиқот ҳамда илмий-услубий муассасаси ҳисобланади;

Марказ мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчи-

лари (инструкторлари), кафедра мудирлари, таълим муассасалари ва спорт ташкилотлари тренерлари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни амалга оширади.

4. Қуйидагилар оммавий спортни ривожлантириш ва истеъдодли ёшларни саралаш (селекция) соҳасида таълим муассасаларининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

мактабгача таълим муассасаларида — бошланғич гимнастика ва ҳаракатли ўйинлар бўйича машғулотлар олиб бориш орқали жисмоний ривожлантириш ҳамда саломатликни мустаҳкамлаш учун тарбияланувчиларда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига қизиқишни шакллантириш;

умумтаълим мактабларида — ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик минтақавий спорт мусобақаларида иштирок этиш учун синфдан ташқари спорт тўғарақлари ва секциялари машғулотларини ташкил этиш (ҳафтасига камида 4 соатдан);

ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида — ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт тури бўйича тренерларни жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаш ва ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик минтақавий ҳамда республика спорт мусобақаларида иштирок этиш учун олимпия ва миллий спорт турлари бўйича синфдан ташқари спорт тўғарақлари ҳамда секциялари машғулотларини ташкил этиш (ҳафтасига камида 6 соатдан);

олий таълим муассасаларида — истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ва спорт турлари бўйича миллий терма жамоалари ҳамда республика олий спорт маҳорати мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик республика ва халқаро спорт мусобақаларида олимпия ва миллий спорт турлари бўйича талабалар спорт клублари ҳамда жамоаларини ташкил этиш.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктори) ҳамда олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси ва кафедра мудири лавозимларига халқаро даражадаги спорт мусобақалари голиблари тайинланиши мумкин;

давлат мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктори) лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Вазирлик билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиқлари томонидан амалга оширилади;

олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари (кафедра мудирлари)ни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Вазирлик

томонидан олий таълим муассасаси билан ҳамкорликда ташкил этиладиган танлов натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири томонидан амалга оширилади;

жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктор ва кафедра мудирлари)нинг иш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ўқувчи (талаба)ларни жисмоний ва касбий тайёргарлиги ҳамда улар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаш (селекция)да, энг аввало, эришилган аниқ натижаларни ҳисобга олган рейтинг тизими асосида амалга оширилади;

жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор ва кафедра мудирлари)ни моддий рағбатлантириш улар фаолиятининг шахсий кўрсаткичларини рейтинг тизимида баҳолашга асосан амалга оширилади;

туман (шаҳар) спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларининг ягона календарь режалари тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан тасдиқланади;

умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда олий таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари ўртасида ўтказиладиган спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларини ҳамда иштирокчиларни кийим-кечак билан таъминлашни молиялаштириш тегишлилиги бўйича «Ёшлик», «Баркамол авлод» ва «Талаба» жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси олимпия спорт турлари бўйича спортчилар, тренерлар ва бошқа спорт мутахассисларини тайёрлаш ҳамда олимпия спорт турларини ривожлантириш қисми бўйича жисмоний тарбия ва спорт субъектлари, шу жумладан Вазирликнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Вазирликнинг олимпия спорт турларини ривожлантиришга масъул бўлинмалари раҳбарлигига номзодлар Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси билан мажбурий равишда келишилади;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси вакиллари олимпия захиралари махсус мактаб-интернатлари раҳбарларини танлаш, тайинлаш ва аттестация қилишда, мазкур мактабларга йўналишлар бўйича қабул қилиш квоталарини келишишда ҳамда спортчиларни халқаро спорт мусобақаларига юборишда иштирок этади;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлаш доирасида спорт федерация (ассоциация)лари учун ажратилаётган ҳомийлик маблағлари Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида жамланади ҳамда спорт федерация (ассоциация)лари фаолиятини мақсадли молиялаштиришга, шу жумладан етук хорижий спортчи ва тренерларни жалб қилиш учун сарфланади;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Вазирлик билан ҳамкорликда юқори малакали хорижий спортчи, тренер ва бошқа мутахассисларни олимпия тайёрлаш марказлари, спорт федерация (ассоциация)лари ва бошқа спорт ташкилотларининг ўқув-машғулот жараёнларига кенг жалб қилишни таъминлайди.

7. Қуйидагилар ташкил этилсин:

Самарқанд вилояти Самарқанд туманида универсал олимпия тайёргарлиги ва халқаро мусобақалар ўтказиш маркази;

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Азия-Чимган» меҳмонхонаси негизда миллий терма жамоалар учун универсал олимпия тайёргарлиги маркази;

Жиззах вилояти Зомин туманида «Алоқачи» соғломлаштириш оромгоҳи негизда гимнастика спорт тури бўйича олимпия тайёргарлиги маркази;

Наманган вилояти Чортоқ туманида сержантлар тайёрлаш мактаби негизда спорт ўйинлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази;

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида «Гулнора» соғломлаштириш оромгоҳи негизда спорт яккакурашлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилаётган марказлар тасарруфида бўлган вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ушбу объектларни барча бино ва иншоот мажмуалари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси тасарруфига беғараз ўтказилишини таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари, шунингдек, таълим муассасалари ва спорт ташкилотларида меҳнат қилаётган спорт фахрийларига фаолиятнинг бошқа ҳақ тўланадиган турлари билан шуғулланмаслик шарти билан пенсия тўлиқ миқдорда тўланади;

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ҳамда олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатлари совриндор спортчилари Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлардаги жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, шунингдек, тегишли спорт федерациялари (ассоциациялари) тавсияномаларига асосан тренерлик фаолияти бўйича соддалаштирилган тартибда аттестациядан ўтиб, спорт мактабларида тренер сифатида тренерлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли;

спорт ташкилотлари (идоралари) раҳбарлиги лавозимига аввал шуғулланган профессионал фаолият туридан қатъи назар, олий маълумотли ҳамда бошқарув соҳасида амалий кўникмага эга бўлган шахслар тайинланиши мумкин;

тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома муддати тугаган тренерлар кўпи билан тўрт ой муддатдан ошмаган ҳолда ўрнатилган тартибда янги рухсатнома олинишига қадар меҳнат фаолиятини давом эттиришга ҳақли.

9. Олимпия спорт турларини 2018 — 2021 йилларда кейинчалик ривожлантириш ва оммалаштириш комплекс чора-тадбирлари дастури иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

амалга ошириш учун вазирлик, муассаса ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги белгилансин.

10. Вазирлик:

икки ой муддатда жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

2018 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни узоқ муддатли истиқболга ривожлантириш концепцияси лойиҳасини халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқсин ва киритсин;

уч ой муддатда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, шу жумладан ихтисослаштирилган мактабларнинг ишлаш тартибини ташкил этиш тизimini танқидий жиҳатдан ўрганиб чиқиш ва натижаси бўйича уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштириш, ташкилий-штат тузилмасини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни молиялаштириш тизимини тартибга солиш юзасидан ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда уч ой муддатда спортчилар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, йўриқчилари ҳақидаги маълумотларни ҳамда таълим муассасаларида спорт турлари бўйича имтиҳон қилиш тизими таҳлиллари натижаларини ўз ичига олган Ягона ахборот тизими яратилишини таъминласин;

уч ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда олимпия спорт турлари бўйича мусобақалар ва ўқув тайёргарлик машқлари давомида спортчиларни тиббий таъминлашни ташкил этиш ва кузатиб бориш тартибини, шу жумладан спорт тиббиёт муассасалари тармоқларини яратишни ўз ичига олган ҳолда, тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

уч ой муддатда Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги билан ҳамкорликда таълим муассасалари қошида спорт клубларини ташкил этиш, фаолият олиб бориши ҳамда молиялаштирилиши тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

уч ой муддатда республика ҳудудида жисмоний тайёргарликни ташкил этишнинг ягона талабларини белгилашни таъминловчи, олимпия спорт турлари бўйича тайёргарликнинг ягона меъёрларини спорт таълими муассасалари фаолиятига татбиқ этишни таъминласин;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда 2018 йил 1 июнга қадар спортнинг қишки ва ўйин турларининг ривожланиши ва омалаштишининг амалдаги ҳолатини ҳар томонлама ва танқидий таҳлилинини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида спортнинг қишки ва ўйин турларини янада ривожланиши юзасидан таклифлар тайёрласин;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда республика олимпия захиралари мактаб-интернатлари қошида олимпия захиралари марказларини ташкил этиш таклифини киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази низомини, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари контингентини тўлиқ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш имкониятини қамраб олган ҳолда уларнинг ташкилий-штат тузилмасини тасдиқласин;

икки ой муддатда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги барча турдаги таълим муассасаларида таълим стандартлари қайта кўриб чиқилсин, таълимнинг ҳар бир босқичида умумий таълим юкласидан ошмаган ҳолда, дарс соатларини ошириш ёрдамида, спорт тармоқлари бўйича баҳолаш тизимини жорий қилиш, натижаларни тизимли таҳлил қилиш ишлари олиб борилсин;

икки ой муддатда қурилиш-монтаж ишлари, замонавий спорт жиҳозлари, техникаси ва инвентарлар билан таъминлаш, узлуксиз ўқув-машғулот жараёни ва спортчилар, тренер ҳамда бошқа мутахассис ва ишчилар яшаши учун шароит яратишни инobatга олган ҳолда олимпия тайёргарлик марказлари фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги ҳукумат қарори қабул қилинсин;

уч ой муддатда олимпия захиралари мактаб-интернатлари қабул квоталарини спорт турлари бўйича энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда керакли бўлган самарали таълим тизими ташкил этилсин;

уч ой муддатда тренерлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича аттестациядан ўтиш ва руҳсатнома олиш тартибини соддалаштиришга йўналтирилган ҳукумат қарори қабул қилинсин.

12. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг спорт инфратузилмасини ташкил этиш ва тизимли тарзда ишчиларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш амалиётини жорий этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси икки ой муддатда Мудофаа вазирлигининг спорт клуби, «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш ва касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамиятини тиклаш, шунингдек, идоровий спорт базаларини модернизация қилиш, улар қошида ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш учун барчанинг шуғулланишига имкони бўлган секция ва тўғарақлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин.

14. Вазирлик ҳамда Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва

идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4956-сон Фармони биринчи банди учинчи хатбошиси ва учинчи банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 5 март,
ПФ–5368-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

176 **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 19 июндаги ПФ–5087-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ–5242-сонли фармонлари)***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 19 июндаги ПФ–5087-сонли ва Ўзбекистон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 мартда эълон қилинган.

Республикаси Президентининг «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ–5242-сонли Фармонларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 6 март,
ПФ–5371-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 6 мартдаги
ПФ–5371-сонли Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 7 июлдаги ПФ–3453-сонли Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ–2699-сонли қарори 37-иловасининг 19-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ–2777-сонли қарорининг 1-банди қуйидаги мазмундаги хат-боши билан тўлдирилсин:

«Шу билан бирга, доимий савдо жойларига эга бўлмаган ва вақтинчалик жойларда савдо қилувчи хунармандлар томонидан касса аппаратлари ва савдо терминалларида фойдаланиш, шунингдек, савдодан тушган нақд пул тушумини тижорат банкларига инкассация қилиш ихтиёрий тартибда амалга оширилади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**177 Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида***

Сўнги йилларда республика иқтисодиёти ва аҳолисига автотранспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги қайд этилсин. Йўловчи ташиш йўналишлари тармоғи 2006 йилга нисбатан 1,4 бараварга ортди, республикада 117 та йўловчилар автовокзаллари ва автостанциялари фаолият кўрсатмоқда, ташувлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга автотранспорт хизматлари соҳасини жадал ривожлантиришнинг мавжуд имкониятлари ва захираларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Автотранспорт хўжаликларини модернизация қилиш замонавий талаблар даражасида эмас, соҳада илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва интеллектуал транспорт тизимлари етарли даражада жорий этилмаяпти. Оғир юк ташувчи автотранспорт воситаларининг ҳаракатдаги таркиби паркиннинг эскирганлиги юқориликча қолмоқда. Мамлакатнинг автотранспорт хизматлари экспорти ва транзитини ошириш салоҳиятининг имкониятлари ва захираларидан тўлақонли фойдаланилмаяпти.

Ташиш жараёнлари, қатнов жадвалларига риоя этилиши, йўловчилар томонидан йўл ҳақини электрон тарзда тўлаш самарадорлиги, тушумнинг йиғилиши ва тўлалиги устидан марказлаштирилган диспетчерлик бошқаруви ва назорати тизими мавжуд эмас. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги амалга ошираётган ишлар, минтақалардаги йўловчи транспортини бошқариш бўйича махсус ваколатли органлар томонидан деярли такрорланмоқда.

Автомобилда ташишлар ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан назорат чораларини тубдан кучайтирилиши, йўловчилар автотранспортида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича профилактик чораларни кўриш талаб этилади.

Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, автомобиль транспортида ташишлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда автотранспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлигининг дарё транспорт соҳасидаги давлат бошқаруви бўйича ваколоти Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ўтказилсин.

2. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги Ўзбекистон автомобиль транспорт агентлиги (кейинги ўринларда «Ўзавтотранс» агентлиги деб аталади) этиб қайта номлансин.

3. Қуйидагилар «Ўзавтотранс» агентлигининг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб белгилансин:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 мартда эълон қилинган.

автомобиль транспорти объектлари ва йўловчилар хавфсизлигини таъминловчи истиқболли ахборот-коммуникацион технологияларини ва инновацион ёндашувларни кенг қўллаган ҳолда янги бошқарув тизимларини жорий этиб, автомобиль транспорти соҳасида ягона техника сиёсатини юритиш;

автомобиль ташувларида норматив-ҳуқуқий ва методик базани такомиллаштириш, автомобиль транспорти ташишлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича муаммолари юзасидан халқаро нормалар, илмий-текширув, лойиҳа-конструкторлик, технологик ишларни инобатга олган ҳолда техник тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларнинг ягона маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва шакллантириш;

иктисодиёт тармоқлари ва аҳолининг ташишларга бўлган эҳтиёжларини ҳамда автомобиль транспорти хавфсизлигини таъминлаш чораларини инобатга олган ҳолда, қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарлар, вилоят ва туман марказларини боғловчи янги йўналишларни очиш, автомобиль транспортини ривожлантириш бўйича комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича кенг қўламли хизматлар кўрсатиш учун шароит яратиш, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаб, автовокзаллар ва автостанциялар фаолиятини марказлашган ҳолда бошқариш ва мувофиқлаштириш тизимини жорий этиш;

автовокзаллар ва автостанциялар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қармоғида бўлган умумий фойдаланишдаги йўловчилар ташиш йўналишларидаги тўхташ бекатларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашни ташкил этиш;

ташиш жараёнлари, қатнов жадвалларига риоя этилиши, йўлларда ҳаракатланиш тезлиги мониторинги, ҳаракат йўналиши схемасига риоя этилиши ҳамда аҳолига реал вақт тарзидаги маълумотлар хизматининг кенг қўламли рўйхати тақдим этилиши юзасидан марказлашган диспетчерлик бошқаруви ва назорати тизимини жорий этиш;

ташув йўналишларини тендер асосида жойлаштириш, йўловчи ташишлари сифати ва хавфсизлигини ошириш, тендерлар ташкилотчилари ишини мувофиқлаштириш механизмларини жорий этиш йўли билан автомобиль транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан фаол мулоқот қилиш орқали автомобиль транспорти соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан келишган ҳолда, янги мунтазам халқаро автобус йўналишларини очиш ҳамда халқаро автомобиль ташувлари соҳасидаги халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, бу соҳадаги амалдаги шартномаларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини тузиш, халқаро юк ташувларини амалга ошириш учун рухсатномалар бланкаларини ўзаро айирбошлаш;

автомобиль транспортида йўловчи ва юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш, автомобиль транспортида йўловчи ва юкларни ташиш қоидаларига амал қилиш, автомобилда ташувлар хавфсизлигини таъминлаш талабларига, оғирлик ва габарит кўрсаткичларига ҳамда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимларига риоя этилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автомобилда халқаро ташувларни амалга ошириш шартларига риоя этилишини назорат қилиш (Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари бундан мустасно);

автомобиль транспортида, энг аввало транспорт хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни тизимли ташкил этиш;

«Ўзавтотранс» агентлигига юкланган вазифалар ва фаолият йўналишларининг сифатли ҳамда тўлақонли бажарилиши учун шахсий жавобгарлик «Ўзавтотранс» агентлиги бошлиғи зиммасига юклансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги шаҳар йўловчи транспортини бошқариш бўйича махсус ваколатли органлар «Ўзавтотранс» агентлигининг тегишли ҳудудий бошқармаларига бирлаштирилсин ва уларга махсус ваколатли органлар ва департаментларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, штат бирликлари ва мол-мулклари 1-иловага* мувофиқ рўйхат бўйича берилсин.

Шаҳар йўловчи транспортини бошқариш бўйича махсус ваколатли органлар ва департаментларни «Ўзавтотранс» агентлигининг тегишли ҳудудий бошқармаларига бирлаштириш бўйича комиссия таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Автомобиль ва дарё транспортини ривожлантиришни норматив-техник таъминлаш Республика маркази «Ўзавтотранс-техника» илмий-ишлаб чиқариш маркази» ДК;

«Автодарётранс-илм» касб малакасини ошириш давлат илмий-методик маркази «Автомобиль транспорти кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти» ДК деб қайта номлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Нукус автомобиль-йўллари хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежини, Андижон транспорт ва хизматлар кўрсатиш касб-хунар коллежини ҳамда Самарқанд автомобиль-йўллари касб-хунар коллежини, уларнинг таъминотини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда, «Ўзавтотранс» агентлиги таркибига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг ташкилий тузилмаси 3-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги марказий аппарати тузил-

* 1 — 3-илвалар берилмайди.

маси унинг ходимлари чекланган умумий сонини — 80 киши, шу жумладан бошқарув ходимларини — 62 киши этиб, 4-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва чекланган ходимлари сони 5 ва 5а-иловаларга* мувофиқ;

Автомобиль транспортини бошқариш тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастури 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига автомобиль транспортини бошқариш тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини амалга ошириш натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида дастур параметрларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари «Ўзавтотранс» агентлиги билан биргаликда шаҳар ва туманларда янги ташкил этилаётган автомобиль ташувларини мувофиқлаштириш шуъбаларининг шаҳар ва туманларда жойлаштирилишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ–2724-сон қарори билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастурига қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилсин:

янги автобус йўналишларини ташкил этиш ҳамда автовокзаллар ва автостанциялар қурилиши ва реконструкция қилинишининг 2018 — 2021 йилларда республика иқтисодиёти ва чекка минтақалар аҳолисининг ташишларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда янгиланган мақсадли кўрсаткичлари 7-8-иловаларга* мувофиқ;

2018 — 2021 йилларда автомобилда халқаро ташишларни амалга ошираётган миллий ташувчиларнинг катта ҳажмли юк автотранспорт воситалари паркинни янгилашнинг прогноз кўрсаткичлари 9-иловага* мувофиқ.

2017 — 2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда «Ўзавтотранс» агентлиги бошлиғи зиммасига юклансин.

10. Илмий-тадқиқот ишлари, йўловчилар автовокзаллари ва автостанциялари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли бўлган умумий фойдаланишдаги йўловчилар йўналишлари оралиқ бекатларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича дастурлар, автотранспорт воситаларини харид қилиш ва автомобиль транспортини бошқариш тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, «Ўзавтотранс» агентлигини сақлашни молиялаштириш мақсадлари учун, юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг

* 4 — 9-иловалар берилмайди.

автомобиль транспортини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этилсин.

Жамғармани молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро автомобилда йўловчилар ва юк ташишларни амалга оширишга лицензиялар бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун тўланадиган давлат божи маблағларининг 100 фоизи;

«Ўзавтотранс» агентлигининг ҳудудий бошқармалари инспекторлари томонидан автомобиль ташувлари соҳасида тузилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар бўйича ундириладиган жарималар суммасининг 84 фоизи;

Жамғармага юкланган вазифаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорлар кредитлари (займлари) ва грантлари;

давлат ва хусусий ҳамкорлик доирасидаги хусусий инвестициялар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

«Ўзавтотранс» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ой муддатда Жамғарма тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. 2022 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга:

лизинг компаниялари ва халқаро ташувларни амалга оширувчи миллий ташувчилар — Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилиб харид қилинаётган юк автотранспорти воситаларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ундириладиган йиғимлар тўловидан;

асосий фаолияти автобусларда йўловчилар ташишни амалга ошириш бўлган умумий фойдаланишдаги шаҳар йўловчилар транспорти ташкилотлари — ер солиғи тўловларидан озод этилсин.

12. «Ўзавтотранс» агентлиги бошлиғига:

автобусларда йўловчиларни ташиш (шу жумладан халқаро) хизматини кўрсатувчи, юкларни автомобилда ташишлар ҳамда транспорт-логистика фаолиятини амалга оширувчи, тўхташ бекатларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва бошқа автомобиль транспорти соҳасида фаолият юритувчи унитар корхоналар шаклидаги мустақил махсус корхоналарни ташкил этиш;

«Ўзавтотранс» агентлиги тузилмасидаги унитар корхоналарни бирлаштириш ва тугатиш ҳуқуқи берилсин.

13. «Ўзавтотранс» агентлигига ва унинг томонидан ташкил этиладиган махсус корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва коммунал соҳа, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси раҳбари билан келишган ҳолда, тендер сав-

долари ўтказмасдан, энг мақбул таклифларни танлаб олиш йўли билан автобуслар ва микроавтобуслар фаолиятини масофадан «он-лайн» тарзида кузатиш ҳамда йўловчилар транспортида йўл ҳақини нақд пулсиз тўлаш тизимини жорий этиш учун мўлжалланган автотранспорт воситалари, дастурий маҳсулотлар, ускуналар, механизмлар, материаллар, бутловчи анжомларни ишлаб чиқарувчи заводлар (етказиб берувчилар) ёки уларнинг расмий дилерлари (дистрибьюторлари) билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат этилсин.

14. «Ўзавтотранс» агентлиги ва унинг томонидан ташкил этиладиган янги махсус корхоналар асослаш эҳтиёжи мавжуд бўлганда техник-иқтисодий асослаш асосида 2023 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга:

барча турдаги солиқлардан ва мақсадли давлат жамғармаларига ўтказиладиган мажбурий тўловлардан озод қилинсин, бунда бўшаган маблағлар янгидан ташкил этиладиган махсус ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун мақсадли ишлатилиши;

Ўзбекистон Республикасига белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатлар бўйича олиб қириладиган транспорт воситалари, бутловчи анжомлар ва эҳтиёт қисмлар, ускуналар, асбоблар ва приборлар, машиналар ва механизмлар, компьютер ва диагностика техникаси учун божхона тўловларидан озод этилиши белгилаб қўйилсин (божхонада расмийлаштирувлар учун йиғимлар бундан мустасно).

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзавтотранс» агентлиги ва унинг томонидан ташкил этилаётган янги махсус ташкилотлар ўртасида, шунингдек, ташкилотлар ўзлари ўртасида қайтармаслик шarti билан топширилаётган ва қабул қилинаётган мол-мулк юридик шахсларнинг қўшимча қиймат ва даромад солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

15. «Ўзавтотранс» агентлиги ходимлари хизмат вазифаларини бажаришда идоравий формали кийим-бош кийиши белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ташкилотларининг формали кийим-бошларини ишлаб чиқиш, стандартлаш, тасдиқлаш ва тайёрлаш механизминини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 февралдаги ПҚ–2800-сон қарори 1-илувасидаги «Идоравий формали кийим-бош» бобига қуйидаги мазмундаги 6-банд қўшилсин:

«6. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги».

16. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда, «Ўзавтотранс» агентлиги ва унинг томонидан ташкил этиладиган янги мустақил ташкилотларга давлат тасарруфидаги автовокзаллар, автостанциялар, бинолар ва ишлаб чиқариш майдонларини бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортини бошқариш тизимини такомиллаштириш

бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида ҳукумат қарорини икки ҳафта муддатда қабул қилсин.

18. «Ўзавтотранс» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 январдаги ПҚ–2724-сон қарорининг 1 ва 4-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги бошлиғи Д.Т. Деҳқонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 6 март,
ПҚ–3589-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

178 Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация хизматлари сифатини янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида*

Ахборот-коммуникация технологияларини ва «Электрон ҳукумат» тизимини иқтисодиётнинг барча тармоқларида, ижтимоий соҳада ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш жараёнига фаол жорий этиш ҳамма жойда замонавий телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва унинг барқарор фаолиятини таъминлашни талаб қилади.

Бунда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация хизматларининг ишончлилиги ва сифати алоҳида аҳамият касб этиб, уларнинг бузилиши жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Телекоммуникация тармоқларининг барқарор ва ишончли ишлашини таъминлаш, белгиланган стандартлар ва нормативларга мувофиқ кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 июндан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоблаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация техноло-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 мартда эълон қилинган.

гиялари соҳасидаги идоравий статистика кузатувлари шакллари қайта кўриб чиқсин ва қонунчилик талабларига мувофиқлаштирсин;

қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги ҳолатлари бўйича маълумотларни аниқлаш ва олиш жараёнини автоматлаштириш йўли билан самарали механизмларнинг жорий қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари 2018 йил 1 июндан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири А.И. Аҳмедхаджаев зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 март,
185-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 7 мартдаги 185-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат
стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва
телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган
хизматлар сифати бузилганлиги учун молиявий санкциялар
(жарималар)ни ҳисоблаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон Фармонига мувофиқ қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоблаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларга (кейинги ўринларда хўжалик юритувчи субъектлар деб аталади) татбиқ этилади.

3. Молиявий санкциялар (жарималар) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) томонидан техник параметрлар, техник фойдаланиш қоидалари, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари воситаларининг ишлаши, шунингдек, хизмат кўрсатиш сифати бузилганлиги учун кўрсаткичларнинг ягона тизими бўйича ҳисобланади, табиий офатлар ёки фавқулодда вазиятлар оқибатида пайдо бўлган бузилишлар бундан мустасно.

Хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий санкциялар (жарималар) суд тартибда қўлланади, улар томонидан содир этилган қонун бузилиши айби тан олинган ва молиявий санкциялар суммаси ихтиёрий равишда тўланган ҳолатларда эса белгиланган тартибда Инспекция томонидан қўлланади.

4. Молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоблаш учун идоравий статистика ҳисоботи маълумотлари, бирламчи статистика маълумотлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг тақдим этган ахборотлари, хизматларнинг сифат кўрсаткичларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларидан олинган маълумотлар, шунингдек, Инспекция томонидан белгиланган тартибда аниқланган қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги ҳолатлари асос бўлиб ҳисобланади.

Молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоблаш ва тўлаш мазкур Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Молиявий санкциялар (жарималар) миқдорлари мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига мувофиқ равишда ҳисобланади.

6. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ундириладиган жарималардан ташқари, молиявий санкциялар (жарималар) сифатида ундириладиган маблағлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигидаги ғазна ҳисоб рақамларига қуйидаги муддатларда ўтказилади:

идоравий статистика ҳисоботига мувофиқ — ҳар чоракда, ҳисобот давридан кейин 30 кун муддатда;

бирламчи статистика маълумотларига мувофиқ ва аниқланган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатиладиган хизматлар сифати бузилиши ҳолатлари бўйича Инспекциянинг тегишли қарори олингандан сўнг бир ҳафта муддатда.

7. Тақдим этилган бирламчи статистика маълумотлари, ҳисоботларининг ишончлилиги ва молиявий санкциялар (жарималар)нинг ўз вақтида тўланиши Инспекция томонидан текширилади.

8. Санкциялар (жарималар)нинг тўлиқ миқдорда ўтказилмаганлиги аниқланган тақдирда тегишли сумма хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Инспекциянинг қарори олинган кундан бошлаб икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигидаги газна ҳисоб рақамларига ўтказилади.

9. Тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта ва эҳтиётсизлик туфайли содир этилган, шунингдек, зарар етказишга олиб келмайдиган қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларни жавобгарликка тортиш уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш билан чекланади. Ушбу ҳолатда хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий санкциялар (жарималар) қўлланмайди.

Хўжалик юритувчи субъектнинг охириги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган молиявий санкциялар (жарималар)ни ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади.

10. Қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатиладиган хизматлар сифати бузилганлиги учун молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоблаш:

хўжалик юритувчи субъектларни абонентлар (мижозлар)га алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация хизматлари кўрсатилмаганлиги ёки улар сифатининг пастлиги учун қонунчиликка мувофиқ улар томонидан етказилган зарарни қоплаш ёки тўловни қайта ҳисоб-китоб қилишдан;

мансабдор шахсларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.

11. Инспекциянинг молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоблаш тўғрисидаги қарорлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар,
давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа,
ахборотлаштириш ва телекоммуникация
технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар
сифати бузилганлиги учун молиявий санкциялар
(жарималар)ни ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги
низомга
1-ИЛОВА

**Қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа,
ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати
бузилганлиги учун молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоблаш
СХЕМАСИ**

Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар хизматлари кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар	Идоравий статистик кузатувлар шакллари ва бирламчи статистика маълумотларини белгиланган тартибда Инспекцияга тақдим этадилар.	Статистик ҳисобот шаклларида белгиланган муддатларда
«Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш Республика маркази» ДУК	Ўзбекистон телекоммуникация тармоқлари ҳолатининг таҳлили ва мониторинги маълумотларини Инспекцияга тақдим этади.	Ҳар чорақда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-санасигача
Инспекция	Қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда олади, аниқлайди.	Доимий равишда

Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
Инспекция	Мазкур Низомнинг 2-иловасига асосан тасдиқланган кўрсаткичлар ва молиявий санкциялар (жарималар) миқдорларига мувофиқ молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблайди.	Ҳар чоракда
Инспекция	Хўжалик юритувчи субъектларга молиявий санкциялар (жарималар) ҳисобланганлиги тўғрисидаги қарорни белгиланган тартибда тақдим этади.	Ҳисобот давридан кейинги ойнанинг 23-санасигача
Хўжалик юритувчи субъектлар	<p>Молиявий санкциялар (жарималар) ҳисобланганлиги тўғрисидаги қарорга жавобан Инспекцияга қуйидагиларни маълум қиладилар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) Инспекция қарорига розилиги ва молиявий санкциялар (жарималар)ни тўлаши тўғрисида; 2) ҳисобланган молиявий санкциялар (жарималар)ни тўлашни рад қилиш тўғрисида; 3) белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш ва Инспекциянинг қарори юзасидан шикоят қилиш тўғрисида. 	Инспекция қарори олингандан сўнг бир ҳафта муддатда
Хўжалик юритувчи субъектлар	Инспекция қарорига рози бўлган тақдирда, молиявий санкциялар (жарималар) тарзида ундириладиган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигидаги ғазна ҳисоб рақамларига ўтказишади.	Низомда белгиланган муддатларда
Инспекция	Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган молиявий санкциялар (жарималар)ни тўлашни рад этган тақдирда, белгиланган тартибда судга мурожаат қилади.	Хўжалик юритувчи субъектдан ҳисобланган молиявий санкциялар (жарималар)ни тўлашни рад этиши тўғрисидаги жавобни олгандан сўнг ўн кун муддатда

Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
Инспекция	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигидаги ғазна ҳисоб рақамларига санкциялар (жарималар)нинг тўлиқ миқдорда ўтказилмаганлиги ҳолатларини аниқлайди.</p> <p>2. Хўжалик юритувчи субъектларга тўлиқ миқдорда ўтказилмаган молиявий санкциялар (жарималар)ни тўлаш тўғрисидаги қарорни тақдим этади.</p>	Молиявий санкциялар (жарималар) тўлангандан кейин ўн кун муддатда
Хўжалик юритувчи субъектлар	Тегишли миқдордаги ўтказилмаган санкциялар (жарималар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигидаги ғазна ҳисоб рақамларига белгиланган тартибда ўтказилади.	Инспекциянинг қарори олингандан сўнг икки ҳафта муддатда

Қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун молиявий санкциялар (жарималар) МИҚДОРЛАРИ

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Молиявий санкциялар (жарималар) миқдори (энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига нисбатан баравар)
1. Почта алоқаси		
1.1.	Ўтказмалар суммаларининг корхонанинг айби билан камомади ва ўғирланиши, ҳар бир ҳолат учун	11
1.2.	Корхона айби билан почта, курьерлик жўнатмалари йўқолиши, жойланмаларининг камомади, бузилиши (шикастланиши), ҳар бир ҳолат учун	10
1.3.	Ёзма хат-хабарларнинг жўнатувчидан олувчигача ўтишида назорат муддатларининг бузилиши, ҳар бир ҳолат учун	0,1
1.4.	Посилкалар ўтишида назорат муддатларининг бузилиши, ҳар бир ҳолат учун	0,5
2. Магистрал ва зонаичи алоқа тармоқларининг узатиш линиялари, каналлари, трактлари		
2.1.	Телефон каналларининг тўхталиш давомийлиги (шу жумладан, асосий рақамли канал (АРК)нинг тонал частотали каналлари, Е1 оқимлари), канал-соатларда, алоқа линиялари турлари бўйича 1000 км учун, чорак давомида ҳисоблаганда	1
2.2.	Радиореле ва оптик-толали алоқа линиялари орқали ташкил этилган телевизион каналлар шикастланишларининг давомийлиги, 100 км линиялар учун минутларда, чорак давомида, ҳар бир минут учун	0,1
2.3.	Режадан ташқари ўлчашлар, станция шикастланишлари ва электр таъминоти қурилмаларининг шикастланишлари сабабли келиб чиққан тўхталишлар давомийлиги, чорак давомида, 100 та ишлатилаётган телефон каналлари учун канал-соатларда (шу жумладан, АРК тонал частотали каналлари, Е1, IP оқимлари)	0,5
3. Маҳаллий (шаҳар, қишлоқ) телефон алоқаси		
3.1.	Носозликларни назорат муддатларидан ортиқ муддатларда баргараф этиш вақти, ҳар бир 1000 телефон-соат учун	0,2
4. Кабель, эфир-кабель телеэшиттириш		
4.1.	Теледастурларни трансляция / ретрансляция қилувчи кабель / эфир-кабель телевидение студияси техник воситалари тўхталишлари давомийлиги, ҳар бир 1000 та абонент нуқта-минут учун	1

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Молиявий санкциялар (жарималар) миқдори (энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига нисбатан баравар)
4.2.	Кабель эшиттириш тармоғидаги техник воситаларнинг корхона айби билан бўлган тўхталишлари давомийлиги, ҳар бир 500 та абонент нуқта-минут учун	0,1
5. Телевидение		
5.1.	Қуйидаги қувватлардаги телевизион узатгичларнинг корхона айби билан тўхталишлари давомийлиги, ҳар бир минут учун:	
	1 Вт дан 100 Вт гача;	0,05
	100 Вт дан ортиқ;	0,5
	шу жумладан норматив муддатлардан ортиқ.	1
5.2.	Қуйидаги қувватлардаги телевизион узатгичларнинг корхона айби билан белгиланган техник нормалардан оғишлари давомийлиги, ҳар бир минут учун:	
	1 Вт дан 100 Вт гача;	0,025
	100 Вт дан ортиқ;	0,25
	шу жумладан норматив муддатлардан ортиқ.	0,5
5.3.	Корхона айби билан рақамли пакетдаги телеканал ишлашидаги тўхталишлар давомийлиги (тарқатиш ёки телерадиоэшиттириш субъекти), ҳар бир минут учун	0,05
5.4.	Корхона айби билан рақамли пакетдаги телеканалнинг белгиланган техник нормалардан оғишлари давомийлиги (тарқатиш ёки телерадиоэшиттириш субъекти), ҳар бир минут учун	0,01
6. Йўлдош алоқаси		
6.1.	Йўлдош алоқасининг қабул қилувчи ва қабул қилувчи-узатувчи ер усти станциялари ишидаги узилишлар, ҳар бир минут учун:	
	а) телевизион узатувчи ер усти станцияси;	1
	б) телевизион қабул қилувчи ер усти станцияси;	0,01
	в) телефон алоқанинг қабул қилувчи-узатувчи ер усти станцияси.	0,1
6.2.	Йўлдош алоқасининг қабул қилувчи-узатувчи ер усти станциялари ишида белгиланган техник нормалардан оғишлар, ҳар бир минут учун:	
	а) телевизион узатувчи ер усти станцияси;	0,5
	б) телевизион қабул қилувчи ер усти станцияси;	0,005
	в) телефон алоқанинг қабул қилувчи-узатувчи ер усти станцияси.	0,05
7. Радиоэшиттириш		
7.1.	Қуйидаги қувватлардаги радиоэшиттириш узатгичлари ишида корхона айби билан тўхталишлар давомийлиги, ҳар бир минут учун:	
	1 Вт дан 100 Вт гача;	0,05
	100 Вт дан ортиқ;	0,5
	шу жумладан норматив муддатлардан ортиқ.	1
7.2.	Қуйидаги қувватлардаги радиоэшиттириш узатгичлари ишида белгиланган техник нормалардан корхона айби билан бўлган оғишлар давомийлиги, ҳар бир минут учун:	
	1 Вт дан 100 Вт гача;	0,025
	100 Вт дан ортиқ;	0,25
	шу жумладан норматив муддатлардан ортиқ.	0,5

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Молиявий санкциялар (жарималар) миқдори (энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига нисбатан баравар)
8. Радиоалоқа ва мобиль алоқа тармоқлари		
8.1.	Мобиль алоқа тармоқларида қабул қилувчи-узатувчи радио модулларнинг ишида корхона айби билан бўлган тўхталишлар давомийлиги, чорак давомида, 1000 соат ишлаши учун минутларда	0,05
8.2.	Тармоқнинг алоҳида участкаларида ускуна шикастланишларининг нормативдан ортиқ вақтда бартараф этилиши, ҳар бир минут учун	0,1
8.3.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ўрнатилган уланишнинг абонент ташаббуси билан бўлмаган узилиш билан тугалланган чақирувлар улуши (Call drop rate), чорак давомида, ўрнатилган уланишнинг абонент ташаббуси билан бўлмаган узилиш билан тугалланган ҳар бир 100 та чақирув учун, нормативдан ортиқ вақтда	0,1
8.4.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича умумий чақирувлар сонидан муваффақиятсиз чақирувлар улуши (Call unsuccessful rate), чорак давомида, ҳар бир 100 та муваффақиятсиз чақирув учун, нормативдан ортиқ вақтда	0,5
8.5.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича маълумотларни пакетли узатиш хизматидан фойдалана олиш коэффиценти, чорак давомида, ҳар бир нормативдан ортиқ ҳолат учун	0,5
8.6.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича уланишни ўрнатиш вақтида нормативларга жавоб бермайдиган чақирувлар улуши, чорак давомида, ҳар бир нормативдан ортиқ ҳолат учун	0,1
8.7.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича пакетларни коммутациялаш орқали маълумотларни узатишда ўрнатилган уланиш вақтининг коэффиценти, чорак давомида, ҳар бир нормативдан ортиқ ҳолат учун	0,1
8.8.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича маълумотлар узатиш хизматининг узилиш коэффиценти, чорак давомида, ҳар бир нормативдан ортиқ ҳолат учун	0,1
8.9.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича нутқни узатиш сифати нормативларига жавоб бермайдиган чақирувлар улуши, чорак давомида, ҳар бир нормативдан ортиқ ҳолат учун	1,0
8.10.	Мобиль алоқа тармоғи учун маълумотлар узатиш тезлигининг ўртача қийматига риоя қилмаслик, чорак давомида, ҳар бир нормативдан ортиқ ҳолат учун	0,1
9. Даврий босма нашрлар		
9.1.	Истеъмолчиларга обуна даврий босма нашрларни етказиб бериш муддатларининг корхона айби билан бузилиши, ҳар бир нусха учун	0,05
10. Маълумотлар узатиш тармоқлари		
10.1.	Белгиланган маълумотлар узатиш тезлигига мувофиқ хизматлар кўрсатиш сифатининг корхона айби билан бузилиши аниқланган ҳолатлар сони, ҳар бир ҳолат учун	0,5

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Молиявий санкциялар (жарималар) миқдори (энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига нисбатан баравар)
10.2.	Оператор ва провайдерга боғлиқ бўлган сабабларга қўра маълумотлар узатиш ускунасининг нормативдан ортиқ тўхталиши давомийлиги, чорак давомида, ҳар бир минут учун	0,1
10.3.	Корхона айби билан маълумотлар узатиш тармоғига нормативдан ортиқ муддатларда фойдаланишни тиклаш вақти, ҳар бир тўлиқ соат учун	0,01
11. Халқаро коммутация марказларини четлаб ўтиб, халқаро овозли трафикни рухсатсиз ўтказиш		
11.1.	Қонунга хилоф равишда халқаро сўзлашувларни амалга оширишда фойдаланилган ҳар бир аниқланган абонент рақами учун	70
12. Телекоммуникация тармоқларини техник эксплуатация қилиш		
12.1.	Авария, узилишлар, тўхталишларга олиб келган телекоммуникация тармоқлари ва линия-кабель иншоотларини техник эксплуатация қилиш қоидаларининг бузилиши, ҳар бир ҳолат учун	1
13. Телекоммуникация операторлари ва провайдерлари томонидан кўрсатилувчи ахборот-маълумот хизматлари		
13.1.	Телефон орқали техник қўллаб-қувватлаш хизматидан фойдаланиш коэффициенти пасайиши, чоракда, ўрнатилган нормативнинг ҳар бир бузилиш ҳолати учун	0,01
13.2.	Ахборот-маълумот хизматлари операторининг белгиланган нормадаги вақтдан ортиқ жавоб бериш вақти, ҳар бир ҳолат учун	0,01
14. Статистика ҳисоботи		
14.1.	Белгиланган тартибда идоровий статистика ҳисоботларини тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки ишончли бўлмаган маълумотларни тақдим этиш, ҳар бир ҳолат учун	10

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 7 мартдаги 185-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2018 йил
1 июндан бошлаб ўз кучини йўқотган деб эътироф
этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоқа соҳасидаги меъерий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларини, кўрсатилаётган хизматлар сифатини бузганлик учун молиявий санкциялар (жарималар) тўғрисида» 2000 йил 14 августдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 51-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими тақомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ–59-сон Қонуни)» 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарори 1-иловасининг 27-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 86-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2012 йил 23 майдаги 143-сон қарорига илованинг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 5-сон, 34-модда).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲҚAMASINING
ҚАРОРИ

179 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ–5242-сон Фармони, «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 19 июндаги ПҚ–3068-сон ва ««Хунарманд» уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ–3393-сон қарорлари)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ–5242-сон Фармони, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 19 июндаги ПҚ–3068-сон ва ««Хунарманд» уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ–3393-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 март,
186-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 мартда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 7 мартдаги 186-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкани ижарага бериш тўғрисидаги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 йил, 4-сон, 26-модда) 10-бандига қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Бунда, хунармандлар учун давлат мулки объектлари учун ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади»; иккинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарори билан тасдиқланган Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 йил, 7-сон, 58-модда):

а) 6-бандидаги «ушбу Низомга иловага мувофиқ» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ–5242-сон Фармониغا 1-иловага мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бунда, «Уста-шоғирд» мактаби ўқувчиси сифатидаги иш даври 25 ёшга етгунга қадар энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2,5 баробари миқдорида суғурта тўлови тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшилади»;

в) 16-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Хунармандчилик субъектлари — «Хунарманд» уюшмасининг аъзолари:

хунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товар, иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқдан озод этилади;

ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўловидан озод этилади;

қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган хунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадалининг 50 фоизини тўлайди»;

г) илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 йил, 41-сон, 506-модда):

а) Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисидаги Низомга қуйидаги мазмундаги III² бўлим қўшилсин:

**«III². Хунармандлар томонидан давлат кўчмас мулк
объектини сотиб олиш**

29³. Давлат кўчмас мулк объектлари хусусийлаштириш дастури доирасида хунармандларга баҳоланган қийматда очик савдоларга қўйилмасдан тўғридан-тўғри олди-сотди шартномаси тузиш асосида сотилади.

Бунда, давлат кўчмас мулк объекти хунармандга камида 5 йил мобайнида фақат хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш учун хунарманднинг кўчмас мулк объектини хусусийлаштириш бўйича буюртманомаси ва «Хунарманд» уюшмасининг илтимосномасига асосан, давлат кўчмас мулк объектини сотувга қўйиш тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида берилиши мобайнида белгиланган тартибда сотилиши мумкин.

29⁴. Бир нечта хунармандлар бир кўчмас мулк объектга эга бўлиш истагини билдирган тақдирда, бу объект ушбу хунармандлар иштирокидаги очик савдолар орқали белгиланган тартибда сотилади. Савдолар ушбу Низомда белгиланган тартибга асосан ўтказилади.

29⁵. Кўчмас мулк объектини хусусийлаштириш тўғрисидаги ариза бўлмаса ёки хунарманд давлат кўчмас мулк объектини олди-сотди шартномасини тузишни рад этса, ушбу объект танлов ўтказиш йўли билан белгиланган тартибда сотилади.»;

б) Давлат мулки объектларини харидор томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан «нул» харид қиймати бўйича сотиш тартиби тўғрисида Низомга қуйидаги мазмундаги VI¹ бўлим қўшилсин:

**«VI¹. Давлат кўчмас мулк объектини хунармандларга «нул»
харид қиймати бўйича сотиш**

39¹. Хусусийлаштириш дастури доирасида «нул» харид қиймати бўйича сотиладиган давлат мулки объекти хунармандларга дастлабки инвестициявий мажбуриятларни бажариш шарти билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилади.

Бунда, «нул» харид қиймати бўйича сотиладиган давлат мулки объекти хунармандга камида 5 йил мобайнида фақат хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш учун хунарманднинг давлат мулки объектини хусусийлаштириш бўйича буюртманомаси ва «Хунарманд» уюшмасининг илтимосномасига асосан, «нул» харид қиймати бўйича сотиладиган давлат мулки объектини сотувга қўйиш тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида берилиши мобайнида белгиланган тартибда сотилиши мумкин.

39². Бир нечта хунармандлар «нул» харид қиймати бўйича сотиладиган битта давлат мулки объектига эга бўлиш истагини билдирган тақдирда, бу объект ушбу хунармандлар иштирокидаги очик савдолар орқали белгилан-

ган тартибда сотилади. Савдолар ушбу Низомда белгиланган тартибга асосан ўтказилади.

39³. Объектни хусусийлаштириш тўғрисидаги ариза бўлмаса ёки хунарманд «нул» харид қиймати бўйича сотиладиган давлат мулки объектини олди-сотди шартномасини тузишни рад этса, ушбу объект танлов ўтказиш йўли билан белгиланган тартибда сотилади.».

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 7 мартдаги 186-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хунарманд» халқ хунармандлари уюшмасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари» тўғрисида 1997 йил 4 июндаги 282-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 10 июлдаги 346-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 сентябрдаги 441-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2004 йил 38-39-сон, 424-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатларидаги савдо-инвестиция уйлари орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 9 августдаги 189-сон қарорига 2-илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 йил, 8-сон, 40-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 19 июндаги 391-сон қарорига 2-илованинг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 106-модда).

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

180 Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2716-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 14 сентябрдаги 79, 336-В, 2015-29-сон қарори (рўйхат рақами 2716, 2015 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 39-сон, 513-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
36-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 мартда эълон қилинган.

Марказий банк раиси**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
336-В-1-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси****Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
2018-08-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Марказий банки
Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг
2018 йил 28 февралдаги 36, 336-В-1,
2018-08-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида
узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб
юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ
имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-банддан «ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 2-иловада:

100 ва 110-сатрлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« IV. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкаси, %	100	22
V. Тузатилган солиқ ставкаси, %	110	17,6

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг амалдаги ставкасида 22 фоиз ва кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялаш улуши шароитида тузатилган солиқ ставкаси 17,6 фоизни (22 x 80%) ташкил этади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

181 **Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини қўллаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2759-1

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 28 январдаги 3 ва 2016-05-сон қарори (рўйхат рақами 2759, 2016 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 5-сон, 45-модда) билан тасдиқланган Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини қўллаш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
38-сон

Д. КУЧКАРОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
2018-13-сон

Б. ПАРПИЕВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги
38, 2018-13-сон қарорига
ИЛОВА

**Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар
(уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик
даражасига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда
солиғи ставкасини қўллаш қоидаларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «7,5 фоиз» деган сўзлар «14 фоиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 5-банддаги «7,5 фоиз» деган сўзлар «14 фоиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 7-банднинг тўртинчи хатбошисидан «ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 8-банднинг тўртинчи хатбошисидан «ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 9-банднинг иккинчи хатбошисидаги «7,5» рақами «14» рақами билан алмаштирилсин.

6. Иловада:

040-сатр қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« Солиқ солиш базаси (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобининг 150-сатри)	040	25 000,0	17 000,0	»;
---	-----	----------	----------	----

061-сатр қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« рентабеллик даражаси 20 фоизгача бўлганда	061	14%	14%	»;
---	-----	-----	-----	----

070 ва 071-сатрлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси — жами (071-сатр + 072-сатр), шу жумладан:	070	5 570,0	2 380,0	».
рентабеллик даражаси 20 фоизгача бўлганда (051-сатр x 061-сатр)	071	2 695,0	2 380,0	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

182 Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1834-7

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5-сон қарори (рўйхат рақами 1834, 2008 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 276-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 февраль,
7/8-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
24 февралдаги 7/8-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини
юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ва «Банк сири тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ банклар учун мажбурий бўлган бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартибини белгилайди.»

2. 23-бандда:

олтинчи хатбошидаги «соат 17-00 га» деган сўзлар «соат 18-00 га» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «соат 15-00 га» ва «соат 16-00 га» деган сўзлар тегишлича «соат 16-00 га» ва «соат 17-00 га» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўнинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 110-банднинг биринчи хатбошисидаги «кун» деган сўз «иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 144-банддаги «Ахборотлаш бошқарув тизими (бундан кейинги ўринларда АБТ деб юритилади)га» деган сўзлар «Банк тизими маълумотлар омбори (бундан кейинги ўринларда БТМО деб юритилади)га» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 145-банддаги «Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджети касса ижроси департаменти» деган сўзлар «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 146-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«146. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк баланси Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти томонидан, тижорат банклари баланслари Кредит ташкилотлари пруденциал назорати департаменти томонидан таҳлил қилинади.»

7. 147-банддаги «ваколатли департаментлари АБТ дан» деган сўзлар «департаментлари БТМО дан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

184 Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб
чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1909-4*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 10 февралдаги 21, 2009-10-сон қарори (рўйхат рақами 1909, 2009 йил 24 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 98-модда) билан тасдиқланган Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.
2018 йил 28 февраль,
43-сон

Д. КУЧКАРОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.
2018 йил 28 февраль,
2018-15-сон

Б. ПАРПИЕВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
 Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
 қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги
 43 ва 2018-15-сон қарорига
 ИЛОВА

**Табиий газга қўшимча фойда солигини ҳисоблаб чиқариш ва
 бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
 ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**соф қўшимча фойда** — қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар чегириб ташланган, ҳисобот давридаги қўшимча фойда суммасидир».

2. 3-банддан «солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузил-
 мани ривожлантириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. Илованинг 060-сатри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« Қўшимча фойдага тўғри келадиган қисми бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар, жами __% ставкада: (050-сатр х __%)	060	АҚШ долл.				».
---	-----	--------------	--	--	--	----

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**185 Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини
ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғри-
сидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1908-5*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 9 февралдаги 20, 2009-9-сон қарори (рўйхат рақами 1908, 2009 йил 24 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 97-модда) билан тасдиқланган Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
42-сон

Д. КУЧКАРОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
2018-14-сон

Б. ПАРПИЕВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги
42 ва 2018-14-сон қарорига
ИЛОВА

**Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб
чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**соф қўшимча фойда** — қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни чегириб ташланган, ҳисобот давридаги қўшимча фойда суммасидир».

2. 3-банддан «солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 1-иловада:

060-сатр қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« Қўшимча фойдага тўғри келадиган қисми бўйича давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар, жами __% ставкада: (050-сатр х __%)	060	минг сўм		»;
--	-----	----------	--	----

100-сатрнинг «Кўрсаткичлар» устунидаги «*» белгиси чиқариб ташлансин; изоҳ чиқариб ташлансин.

4. 2-иловада:

060-сатр қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« Қўшимча фойдага тўғри келадиган қисми бўйича давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар, жами __% ставкада: (050-сатр х __%)	060	минг сўм		»;
--	-----	----------	--	----

100-сатр «Кўрсаткичлар» устунидаги «*» белгиси чиқариб ташлансин; изоҳ чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

187 Молларни пудрат шартномаси асосида оилаларга бериш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 455-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ–2841-сон «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 1998 йил 17 июлда 04/14-187 ва 32-51-сон билан тасдиқланган Молларни пудрат шартномаси асосида оилаларга бериш тартиби (рўйхат рақами 455, 1998 йил 20 июль) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси**

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
01/10-10/16-сон

Қишлоқ хўжалиги вазири

Б. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
46-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 мартда эълон қилинган.

Келишилган:

*«Қоракўлчилик» республика
уюшмаси раиси*

Н. ЙЎЛДОШЕВ

2018 йил 28 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

188 Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш,
унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш
тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш кири-
тиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1750-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабр-
даги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси
Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка
қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-
сида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор
қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмита-
сининг 2007 йил 17 декабрдаги 107 ва 2007-64-сон қарори (рўйхат рақами
1750, 2007 йил 17 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари
тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 531-модда) билан тасдиқланган Солиқ масла-
ҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва
уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандидан «нотариал
тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 мартда
эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
41-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
2018-11-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

189 **Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш
қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш
хақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2856-1*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги ПҚ–3512-сон «Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 16 январдаги 01-02/8-1-сон қарори (рўйхат рақами 2856, 2017 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидалари 2-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахслар томонидан қўл юкида ёки кузатиб борилаётган

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 мартда эълон қилинган.

багажида олиб ўтиладиган товарларнинг, шунингдек халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларида юборилаётган шундай товарларнинг қиймати ва (ёки) миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган товарларни олиб киришнинг божхона тўловлари ундирилмайдиган чекланган меъёридан ошганда, ортиқча қисмига божхона тўловларини ундирилишида;

товарлар жисмоний шахснинг манзилига келиб тушганда (халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари бундан мустасно) божхона тўловлари олиб кириладиган товарларнинг бутун суммасидан, товарларни олиб киришнинг божхона тўловлари ундирилмайдиган чекланган меъёри қўлланилмаган ҳолда ундирилишида;».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 март,
01-02/12-23-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

190 **Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-4

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3512-сон «Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 мартда эълон қилинган.

4 июлдаги 01-02/12-13-сон қарори (рўйхат рақами 2606, 2014 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 411-модда) билан тасдиқланган Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Декларация:

жисмоний шахслар томонидан товарларни олиб киришнинг божхона тўловлари ундирилмайдиган чекланган меъёрларидан ошадиган товарларга; жисмоний шахснинг яшаш жойи ўзгарганда (аввалги яшаш жойидан ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида қайд мавжуд бўлган ҳолда) унинг шахсий мол-мулки бўлган товарларга, бундан автотранспорт воситалари мустасно;

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 158 ва 160-моддаларида кўрсатилган ҳолларда, жисмоний шахсларнинг нотижорат мақсадлардаги транспорт воситаларига;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ёзма декларацияланиши лозим бўлган нақд кўринишдаги Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси ва валюта бойликларига;

жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудидан товарларни олиб чиқишнинг чекланган меъёридан ошадиган товарларга;

қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли тақиқлар ва (ёки) чекловлар белгиланган товарларга тўлдирилади.».

2. Мазкур қарор Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 март,
01-02/12-24-сон

Келишилган:

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Б. БЕГАЛОВ

2018 йил 1 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**192 Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат
ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
хақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 265-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2920, 2017 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 934-модда) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 март.,
136-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 9 мартдаги
136-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат
ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 5-банд қўйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари олдинги иш ёки хизмат жойида берилган махсус унвонларни ҳисобга олган ҳолда, улар эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, ушбу Низом иловасига мувофиқ тенглаштирилган тарзда мазкур Низомда белгиланган тартибда берилади.».

2. 19-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хатлов натижасига кўра ходимни мартаба даражасига тавсия этиш ҳақидаги ҳужжатлар давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 10 кунлик муддат ичида тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларига юборилади.».

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда илова билан тўлдирилсин.

Давлат органлари ва ташкилотлари юридик
хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

«Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат
ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Махсус унвон ва мартаба даражасига эга бўлган бошқа давлат органларидан давлат органлари ва ташкилотларининг
юридик хизматиغا ўтказилган ходимларга махсус унвон ва мартаба даражасига тенглаштирилган мартаба даражаси бериш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг мартаба даражалари	Адлия органларининг мартаба даражалари	Суд органларининг мартаба даражалари	(Ҳарбий) прокуратура органларининг мартаба даражалари	Ички ишлар органларининг махсус унвонлари	Ҳарбий унвонлар	Божхона органларининг махсус унвонлари	Солиқ органларининг махсус унвонлари
1.	3-даражали юрист	3-даражали юрист	3-даражали юрист	3-даражали юрист, адлия лейтенанти	Лейтенант	Лейтенант	Божхона хизмати лейтенанти	Солиқ хизматининг 3-даражали инспектори
2.	2-даражали юрист	2-даражали юрист	Бешинчи малака даражаси, 2-даражали юрист	2-даражали юрист, адлия катта лейтенанти	Катта лейтенант	Катта лейтенант	Божхона хизмати катта лейтенанти	Солиқ хизматининг 2-даражали инспектори
3.	1-даражали юрист	1-даражали юрист	Тўртинчи малака даражаси, 1-даражали юрист	1-даражали юрист, адлия капитани	Капитан	Капитан	Божхона хизмати капитани	Солиқ хизматининг 1-даражали инспектори
4.	3-даражали адлия маслаҳатчиси	3-даражали адлия маслаҳатчиси	Учинчи малака даражаси, 3-даражали адлия маслаҳатчиси	Адлия кичик маслаҳатчиси, адлия майори	Майор	Майор	Божхона хизмати майори	Солиқ хизматининг 3-даражали маслаҳатчиси
5.	2-даражали адлия маслаҳатчиси	2-даражали адлия маслаҳатчиси	Иккинчи малака даражаси, 2-даражали адлия маслаҳатчиси	Адлия маслаҳатчиси, адлия подполковниги	Подполковник	Подполковник	Божхона хизмати подполковниги	Солиқ хизматининг 2-даражали маслаҳатчиси

Т/р	Давлат органлари ваташкилотлари юридик хизматларининг мартаба даражалари	Адлия органларининг мартаба даражалари	Суд органларининг мартаба даражалари	(Ҳарбий) прокуратура органларининг мартаба даражалари	Ички ишлар органларининг махсус унвонлари	Ҳарбий унвонлар	Божхона органларининг махсус унвонлари	Солиқ органларининг махсус унвонлари
6.	1-даражали адлия маслаҳатчиси	1-даражали адлия маслаҳатчиси	Биринчи малака даражаси, 1-даражали адлия маслаҳатчиси	Адлия катта маслаҳатчиси, адлия полковниги	Полковник	Полковник	Божхона хизмати полковниги	Солиқ хизматининг 1-даражали маслаҳатчиси
7.*	3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси	3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси	Олий малака даражаси	3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, адлия генерал-майори	Генерал-майор	Генерал-майор	Божхона хизмати генерал-майори	Солиқ хизматининг 3-даражали давлат маслаҳатчиси
8.*	2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси	2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси		2-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, адлия генерал-лейтенанти	Генерал-лейтенант	Генерал-лейтенант	Божхона хизмати генерал-лейтенанти	Солиқ хизматининг 2-даражали давлат маслаҳатчиси

* Изоҳ: бошқа давлат органларидаги махсус унвон ва мартаба даражаларини Давлат адлия маслаҳатчиси (генерал) таркибидаги махсус унвонларига тенглаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади.»

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 3 мартдан 9 мартгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 36, 336-B-1, 2018-08-сон «Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2716-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 38, 2018-13-сон «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини қўллаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2759-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/8-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1834-7.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 01/10-10/14, 32-сон «Хусусийлаштириш инвестиция фондлари томонидан махсус давлат кредитларини тўлаш тартиби ва шартларини, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 543-4.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 43, 2018-15-сон «Табий газга қўшимча фойда

солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1909-4.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 42, 2018-14-сон «Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1908-5.

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 28 февралдаги 34-сон «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пул маблағларини «Ўзагроташ-сервис» уюшмасининг МТПларига кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган қишлоқ хўжалик техникаси ва эҳтиёт қисмлари учун ўтказилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1082-2.

8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 01/10-10/16, 46-сон «Молларни пудрат шартномаси асосида оилаларга бериш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 455-1.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 41, 2018-11-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1750-3.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги 01-02/12-23-сон «Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2856-1.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги 01-02/12-24-сон «Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-4.

12. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 1 мартдаги 11, 21, 50-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2978.

13. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 9 мартдаги 136-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Хусусийлаштириш инвестиция фондлари томонидан махсус давлат кредитларини тўлаш тартиби ва шартлари (рўйхат рақами 543, 1998 йил 23 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 543-1, 1999 йил 25 ноябрь), (рўйхат рақами 543-2, 2004 йил 30 июнь), (рўйхат рақами 543-3, 2014 йил 20 август).

Адлия вазирининг 2018 йил 9 мартдаги 127-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пул маблағларини «Ўзагромашсервис» уюшмасининг МТПларига кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган қишлоқ хўжалик техникаси ва эҳтиёт қисмлари учун ўтказилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1082, 2001 йил 10 ноябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1082-1, 2009 йил 25 август).

Адлия вазирининг 2018 йил 9 мартдаги 130-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Молларни пудрат шартномаси асосида оилаларга бериш тартиби (рўйхат рақами 455, 1998 йил 20 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 9 мартдаги 131-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.